

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

8 “ ноябрь ” 2017 й. г. № 897

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳрида
кичик саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида**

Жиззах вилояти Зомин тумани Даштобод шаҳрининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, ҳудудда тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги рақобатдош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Жиззах вилояти Зомин тумани Даштобод шаҳрининг умумий майдонида кичик саноат зонасини ташкил этиш таклифига розилик берилсин.

2. Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

бир ой муддатда Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳри ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижаларига кўра кичик саноат зонасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мос бўлган объектларни белгиланган тартибда Жиззах вилояти Зомин тумани ҳокимлигига берилишини таъминласин;

Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳри ҳудудида жойлашган бўш турган давлат мулки объектлари ва илгари хусусийлаштирилган ишлаб чиқариш майдонларини доимий хатловдан ўтказиб борсин ҳамда хатлов натижаларига кўра янги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш учун мос бўлган объектлар рўйхатини белгиланган тартибда Жиззах вилоятининг эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) киритиб борсин.

3. Белгилансинки:

кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўлови истисно тариқасида “ноль” ставка миқдорида белгиланади;

кичик саноат зонаси ҳудудидаги давлат кўчмас мулклари тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга ижарага берилади ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бизнес режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилганда ва белгиланган иш ўринлари яратилиб, сақланган тақдирда кейинчалик ўрнатилган тартибда мулк ҳуқуқи расмийлаштириб берилади.

4. Кичик саноат зонаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш учун давлат унитар корхонаси шаклидаги дирекция ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳрида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати (кейинги ўринларда манзилли рўйхат деб аталади) иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. Маъмурий кенгаш:

кичик саноат зонаси ҳудудида амалга оширилиши назарда тутилган лойиҳалар манзилли рўйхатига зарур ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

манзилли рўйхат доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари томонидан бир ой муддатда ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

кичик саноат зонаси дирекцияси директорини тасдиқласин, ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорини ва манбаларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиласин;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ушбу қарорда назарда тутилган асосий чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ билан биргаликда 2018 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тармоқ жадвалларига узвий боғлаган ҳолда кичик саноат зонасининг йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда марказлашган инвестицияларни назарда тутсин.

8. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва Жиззах вилоят ҳокимлигига кичик саноат зонасида жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларини уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ белгиланган тартибда электр энергияси, табиий газ ва бошқа турдаги коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш учун шахсий масъулият юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳридаги тадбиркорлик субъектларига банк-молия хизматларини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг мини банкни очиш ҳамда тижорат банкларига манзилли рўйхатга киритилган лойиҳалар бўйича кредит шартномаларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва молиялаштириш бошланишини таъминлаш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э.А. Салиев ва Зомин тумани ҳокими С.М. Умрзоқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 8 ноябрдаги 897 -сон
қарорига илова

**Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳрида 2018-2019 йиллар давомида
саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати (млн. сўм)	шундан:			Банк номи	Ишга тушиш муддати	Иш ўрни
				ўз маблағи	банк кредити	хорижий инвестиция (минг долл.)			
Жами			716 473	71 922	157 590	60 492		1 841	
1	“Кипарис” ФХ	Қурилиш материаллари (кафель, шлакоблок) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	688	192	496		Миллий банк	2018 йил 2-чорак	14
2	“Зомин агро фреш” МЧЖ	Логистика марказини ташкил этиш	80 000	12 000	68 000		Миллий банк	2018 йил 3-чорак	100
3	“Зафар универсал сервис” ХК	Полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	496	88	408		Халқ банки	2018 йил 4-чорак	8
4	“Даштобод мебель” ХК	Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	482	80	402		Қишлоқ қурилиш банк	2019 йил 2-чорак	10
5	“Ёғоч робит бизнес” МЧЖ	Сутни қайта ишлашни ташкил этиш	280	80	200		Қишлоқ қурилиш банк	2019 йил 3-чорак	5
6	“Зомин полимер” ХК	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	344	200	144		Ипотека банк	2018 йил 4-чорак	10

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати (млн. сўм)	шундан:			Банк номи	Ишга тушиш муддати	Иш ўрни
				ўз маблағи	банк кредити	хорижий инвестиция (минг долл.)			
7	“Барҳаёт Равшан” ХК	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1 384	400	984		Асака банк	2018 йил 4-чорак	15
8	“Исломжон Анорбой” ХК	Алюмин профилдан эшик ва ромлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	200	32	168		Асака банк	2018 йил 2-чорак	3
9	“Рустам Субонов” ХК	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	100	30	70		Асака банк	2018 йил 1-чорак	3
10	“Эркин голд стар” ХК	Пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этиш	296	96	200		Турон банк	2018 йил 2-чорак	12
11	“Чўққили тоғ жилоси” ХК	Асалари уялари ва рамкаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	148	49	99		Турон банк	2018 йил 2-чорак	7
12	“Зомин текс экспорт” МЧЖ (1-босқич)	Калава ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш	139 748			17 360	Миллий банк	2018 йил 2-чорак	150
13	“Зомин текс экспорт” МЧЖ (2-босқич)	Трикотаж мато ишлаб чиқариш, бўяш ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	255 035	24 000		28 700	Миллий банк	2019 йил 1-чорак	350
14	“Зомин текс экспорт” МЧЖ	Болалар гигиеник тагликларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1 124	416		88	Миллий банк	2019 йил 2-чорак	30
15	“Зомин текс экспорт” МЧЖ	Пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1 326	416		113	Миллий банк	2019 йил 4-чорак	100
16	“Зомин текс экспорт” МЧЖ	Полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	458	208		31	Миллий банк	2019 йил 3-чорак	24

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати (млн. сўм)	шундан:			Банк номи	Ишга тушиш муддати	Иш ўрни
				ўз маблағи	банк кредити	хорижий инвестиция (минг долл.)			
17	“Зомин текс экспорт” МЧЖ	Микрофибра ишлаб чиқаришни ташкил этиш	24 150			3 000	Миллий банк	2019 йил 4-чорак	50
18	“Гўзал Зомин Автомобилчи” МЧЖ	Полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	600	200	400		Ҳамкорбанк	2018 йил 2-чорак	8
19	“Dal Teknik Makina” МЧЖ ҚҚ	Брусчатка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	16 100			2 000	ЎТ-Банк	2018 йил 4-чорак	12
20	“Dal Teknik Makina” МЧЖ ҚҚ	Бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	8 050			1 000	ЎТ-Банк	2018 йил 4-чорак	15
21	“Dal Teknik Makina” МЧЖ ҚҚ	Газобетон маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил этиш	66 010			8 200	ЎТ-Банк	2019 йил 4-чорак	40
22	“Zomin Milk Food” МЧЖ	Қурук сут, музлатилган йогурт, музқаймоқ ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	35 000	9 000	26 000		Азия Алянс банк	2018 йил 4-чорак	100
23	“Zamon-Baxor” ХК	Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	250	100	150		Микрокредит банк	2018 йил 1-чорак	5
24	“Temur-Dovud” ХК	Шлакоблок ишлаб чиқаришни ташкил этиш	220	120	100		Микрокредит банк	2018 йил 3-чорак	10
25	“Зомин Текстил” МЧЖ	Ип калава ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	53 984	18 115	35 869		Миллий банк	2018 йил 2-чорак	250
26	“Зомин Текстил” МЧЖ	Трикотаж мато тўқишни ташкил қилиш	24 000	4 800	19 200		Миллий банк	2018 йил 4-чорак	150

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати (млн. сўм)	шундан:			Банк номи	Ишга тушиш муддати	Иш ўрни
				ўз маблағи	банк кредити	хорижий инвестиция (минг долл.)			
27	“Зомин Текстил” МЧЖ	Тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4 000	800	3 200		Миллий банк	2019 йил 1-чорак	350
28	“Сирдарё барака улгуржи савдо” МЧЖ	Музлатгич сиғимини ташкил этиш	2 000	500	1 500		тижорат банки	2018 йил 4-чорак	10

